Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 24 ноябрь, сешанба № 231 (21.329).

ҒАЛАБАНГИЗ МУБОРАК, АНДИЖОН ЗАРШУНОСЛАРИ!

Ислом КАРИМОВ:

Андижонлик заршунослар азалдан ерга меҳру муҳаббат билан қарашини, унинг ҳар қарич жойидан унумли фойдаланиш сирини эгаллаганини мен яхши биламан. Зотан, бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида улар буни амалда яна бир карра исботладилар.

САММИЙ ҚУТЛОВ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИГА, МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА, ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА.

Азиз андижонликлар!

Сизларнинг улкан ғалабангиз — вилоят деҳқонларининг пахта етиштириш борасидаги катта зафари қалбларимизни қувончга тўлдирди. Бу ғалаба билан чин дилдан муборакбод этаман.

Андижонлик заршунослар азалдан ерга меҳру муҳаббат билан қарашини, унинг ҳар қарич жойидан унумли фойдаланиш сирини эгаллаганини мен яхши биламан. Зотан, бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида улар буни амалда яна бир карра исботладилар. Бугунги ғалаба осонликча қўлга киритилмагани ҳаммамизга аён. Унинг замирида сизларнинг авваламбор мардлигингиз, тадбиркорлигингиз, билимдонлигингиз, ишнинг кўзини билиб меҳнат қила олиш қобилиятингиз мужассам.

Вилоятдаги осойишталик, одамларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, аҳиллиги бу зафарни таъминловчи асосий омиллардан бири бўлганини алоҳида таъкидлагим келади. Бинобарин, бу хислатлар халқимизга, жумладан, сизларга ҳам ота-боболаримиздан қолган буюк меросдир.

Сизларнинг ғалабангиз республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги ҳаракатларга амалий ёрдам беришига ишонаман.

Улкан меҳнат зафарингиз билан яна бир бор қутлайман. Сизларга оилавий тинчлик, хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, барча соҳада омад тилайман.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 21 ноябрь.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Эронга расмий ташрифи бошланди

● 24 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Эрон Ислом Жумҳуриятига уч кунлик расмий ташрифи бошланди.

Ушбу тарихий ташриф арафасида мамлакат раҳбарининг ИРНА ахборот маҳкамаси мухбири билан суҳбати нуфузли «Жумҳурияйи исломий» рўзномасида эълон қилинди. Эронни Ўрта Шарқда ва Осиё қитъасидаги энг нуфузли давлатлардан бири, деб таърифлаган давлат бошлиғи суҳбатда «Ўзбекистон билан Эрон ўртасида ҳамкорлик ва ҳамфикрликнинг вужудга келиши Теҳроннинг Туркистондаги ёш давлатларга гўёки ўз таъсирини зўрлаб сингдиришидан чўчиётганларнинг попугини бироз пасайтириб қўяди», деб айтди.

Ташриф чоғида, деб алоҳида таъкидлади давлат раҳбари, Эрон Ислом Жумҳурияти раҳбарияти билан мулоқата олиб бориш ва бир неча шартнома, битимлар имзолаш кўзда тутилмоқда. Эрон томони Ўзбекистон таклиф этаётган ҳужжатлар мажмуини қўллаб-қувватлагудек бўлса, икки томонлама алоқалар, айниқса, иқтисодий ҳамкорлик янги босқичга кўчади, деди Ислом Каримов. «Ўзбекистон бу ташрифдан кўп нарсани кутмоқда, зеро, ўзбек халқи жуда қадим замонлардан бери Эрон халқи билан алоқа қилиб келди, халқимизнинг Эронга нисбатан эътибори ва муҳаббати даврлар синовидан ўтгандир», деди Президент суҳбат охирида.

(ЎзА).

ПАХТАКОРЛАР ШАРАФИ

Қаюм ХОЛМИРЗАЕВ, Андижон вилояти ҳокими

Ҳар йили табиат инжиқлик қилди, йил оғир келди, деймиз. Рост гап. Пахта иши ҳеч қачон осон бўлмаган. Бу йил ҳам ёмғир, дўл, жала кўп ёғди, сел келди. Экин етарли ҳароратни ололмади. Бунинг устига кучли зилзила бўлиб, Избоскан, Пахтаобод районлари табиий офатдан зарар кўрди. Оғир кунларда республикамиз Президенти Ислом Каримов Андижонга келиб, меҳнаткашлардан ҳол сўради, кўнгил кўтарди.

Бу ғамхўрликлар пахта учун курашда, қийинчиликларни енгишда андижонликларга мадад бўлди. Сувчилар, механизаторлар, меҳнат жамоалари, пудратчилар, бригада бошлиқлари, бўлим бошқарувчилари, хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислар, ҳокимлик фаоллари, Халқ демократик партияси аъзолари, халқ ноиблари бу йилги оғир синовдан муваффақиятли ўтдилар. Оқибатда катта меҳнат ғалабасига эришилди.

Давлатга пахта сотиш юзасидан белгиланган йиллик режа бажарилди. Республикамиз хирмонига 352 минг тоннадан зиёд пахта тўкилди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 27,5 центнерга тўғри келди. Тайёрланган пахтанинг 27 минг тоннаси уруғликка қабул қилинди. Мардона меҳнат, эртанги кунга ишонч бизни шу ғалабага олиб келди.

Биз Олтинкўл райони пахтакорларидан хурсандмиз. Улар бу йилги мавсумнинг карвонбошиси бўлишди. Вилоятимиздагина эмас, балки водийда биринчи бўлиб маррага етган бу район пахтакорлари режадагидан қарийб 2 минг тонна кўп пахта топширдилар. Тайёрланган пахтанинг 90 фоизи юқори сортларга сотилди.

Пахтакорларимиз эришган ғалабада Бўз, Андижон, Шаҳрихон, Комсомолобод, Қўрғонтепа, Жалолқудуқ, Марҳамат районларининг салмоқли ҳиссалари бор. Йиллик режани уддалаган бу районларда ҳосилдорлик вилоят кўрсаткичидан анча юқори бўлди.

Вилоят бўйича юздан ортиқ жамоа хўжалиги, 15 та давлат хўжалиги йиллик режадан анча кўп пахта топширди. Андижон районидаги З. Бобур номли, Олтинкўл районидаги «Коммуна», Балиқчи районидаги «Олимбек», Қўрғонтепа районидаги «Қўрғонтепа», Марҳамат районидаги М. Тожибоев номли, Избоскан районидаги «Шарқ юлдузи», Пахтаобод районидаги «Коммуна», Булоқбоши районидаги Жўраполвон номли жамоа хўжаликлари ҳосилдорликни 31-35 центнерга етказдилар. Олтинкўл районидаги Навоий номли жамоа хўжалигида «Фарғона-3» нави яхши ҳосил берди. Шаҳрихон районидаги «Найнаво» хўжалигида «Наманган-77» нави экилган эди. Бу хўжалик ҳар гектар ердан 33,5 центнердан ҳосил олди.

Кўпмингкилограммчилар ҳаракатига қўшилган Балиқчи районидаги Абдукарим Мўминов номли жамоа хўжалигидан М. Аҳмедова, Хўжаобод районидаги «Иттифоқ» жамоа хўжалигидан К. Алимова, Ф. Холбоева, Жалолқудуқ районидаги «Қатортол» жамоа хўжалигидан И. Давлатова, Бўз районидаги Маннон Жалолов номли давлат хўжалигидан Ш. Охунова ва бошқалар мавсумда 10-12 тоннадан пахта тердилар.

Ҳар йилгидек пахта йиғим-теримида механизаторларимиз фаол қатнашдилар. Улар жами ҳосилнинг 117,5 минг тоннасини машиналар бункерларидан тўкдилар. Жалолқудуқлик А. Жабборов, комсомолободлик Я. Ғуломов, бўзлик А. Ҳасанов, шаҳрихонлик Т. Ғуломиддинов ва бошқалар 120-150 тоннадан ва ундан кўпроқ пахта теришдилар.

Республика Президенти хўжаликларни 30 фоиз қўшимча солиқдан озод қилиш тўғрисида Фармон чиқариб яхши иш қилди. Бундан вилоятимиз салкам 2 миллиард сўм иқтисодий наф кўрди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, вилоятимиз қишлоқ хўжалигидан 7 миллиард 300 минг сўм пул даромади олади.

Андижон ғалаба манзилига етди. Лекин пахта йиғим-терими тўхтагани йўқ. Ғалаба бўсағасида турган ўнлаб хўжаликлар, районлар бор. Улар даладаги ҳосилнинг бир миқдорини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олишга азму қарор қилганлар.

МАШИНАЛАР ҚУДРАТИ

Марказий Фарғонанинг чўлларида ишчи кучи жуда оз. Шунинг учун ҳамма ишда техникага таянамиз. Техника бизнинг суянган тоғимиз. Районимиз пахтакорлари Андижон хирмонига 36 минг тоннадан зиёд пахта тўкдилар.

Хўжалигимиз далаларида 30 терим машинаси ишлади. Бункерлардан тўкилган пахта 3 минг тоннадан ортиб кетди. Бу соҳа режаси 107 фоиз уддаланди.

Мен ишлаётган бригада 163 гектар ерда деҳқончилик қилди. Пахта тайёрлаш йиллик режаси 115 фоиз бажарилди. Бригада бўйича етиштирилган яппи ҳосилнинг 160 тоннасини мен териб бердим.

Тўлқин Шомирзаев, Исмоилжон Комилов каби ҳамкасбларим ҳам 140 тоннадан пахта териб, бу йилги мавсумнинг қаҳрамонлари бўлдилар.

Қ. ҲАМРОҚУЛОВ,
Комсомолобод районидаги «Оқолтин» давлат хўжалигининг механик-ҳайдовчиси.

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 23 НОЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

ҚАШҚАДАРЁ	0,06	104,23
БУХОРО	0,09	103,21
НАМАНҒАН	0,14	101,82
ФАРҒОНА	0,03	100,36
АНДИЖОН	0,20	100,23
Тошкент	0,42	94,13
Навоий	0,28	92,37
Сурхондарё	0,18	91,67
Сирдарё	0,43	90,93
Хоразм	0,40	88,66
Қорақалпоғистон Республикаси	0,34	85,91
Жиззах	0,21	85,14
Самарқанд	0,21	76,71
Республика бўйича	**0,22**	**94,24**
1991 йилдагиси	**0,00**	**104,70**

СУРАТДА: Марҳамат районидаги М. Тожибоев номли жамоа хўжалигининг илғор теримчилари Р. Тошматова, М. Темирова, Д. Темирова ва С. Фозилова.

Г. КЕЧКИН олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ («ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ») КОНЦЕРНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика халқ хўжалиги ва аҳолисининг қурилиш материаллари ва буюмларига бўлган эҳтиёжини таъминлашни яхшилаш, тармоқ бирлашмалари ва корхоналарининг, таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ва бошқа ташкилотларининг хўжалик мустақиллигини кенгайтириш, бинокорлик материаллари саноатининг бозор муносабатларига ўтиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги тугатилсин.

Тармоқ бирлашмалари, корхоналари, таъмирлаш-қурилиш, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотлари, бошқа корхоналар меҳнат жамоаларининг Ўзбекистон Давлат қурилиш материаллари ишлаб чиқариш («Ўзқурилишматериаллари») концернини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзқурилишматериаллари» давлат концерни:

давлат, ижара, жамоа ҳамда мулкчиликнинг бошқа шаклларига асосланган саноат бирлашмалари ва корхоналарини, таъмирлаш-қурилиш, транспорт ташкилотларини ва бошқа ташкилотларни бирлаштирувчи юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик уюшмасидир;

ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва концернинг Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низоми асосида амалга оширади;

ўз таркибига кирувчи бирлашмалар, корхоналар, ташкилотларнинг давлат мулкини бошқаради, уларни давлат тасаррифидан чиқариш ва хусусийлаштиришда белгиланган тартибда иштирок этади.

3. Қуйидагилар «Ўзқурилишматериаллари» давлат концерни фаолиятининг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

концерн таркибига кирувчи бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат идораларида ва бошқа идораларда уларнинг манфаатларини ифодалаш;

қурилиш материаллари бозоридаги вазиятни ўрганиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар таркибини такомиллаштириш, корхоналарни оқилона ихтисослаштириш ва уларни кооперациялаш;

тармоқни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболларини, тармоқ илмий-техника дастурларини ишлаб чиқиш, инвестициялар соҳасида ягона стратегияни рўёбга чиқариш;

корхоналарда хўжалик юритишнинг янги шакллари ва усулларини жорий этишга доир тадбирларни амалга ошириш, хорижий шериклар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;

ягона илмий-техника сиёсатини ўтказиш, техника, технология ва материалларнинг янги илғор турларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга ишлаб чиқариш имкониятини жамлаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида Ўзбекистон давлат қурилиш материаллари ишлаб чиқариш («Ўзқурилишматериаллари») концерни фаолиятини ташкил этиш масалаларига оид қарорни қабул қилсин, тузилиши ва низомини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил, 21 ноябрь.

Маҳалла: кеча, бугун, эртага



Ислом КАРИМОВ,

Ўз оиласи, насл-насаби билан фахрланиш ватанпаварлик туйғусига чуқур ҳамоҳангдир. Бу, энг аввало, оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, ота-боболарнинг муборак номларига доғ туширмасликка интилиш, ўз меҳнати, билимлари билан насл-насаб обрўсини мустаҳкамлаш, одамларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиш истагидир.

...Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас.

(«Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобидан).

ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Ватан туйғуси дастлаб маҳаллада туғилади ва камол топади. Маҳалла, айниқса Ўзбекистон маҳаллалари ҳозирги кунимизда аҳолини ўзни-ўзи бошқаришнинг энг олий намунаси десак, хато қилмаган бўламиз. Негаки, инсонийликнинг барча хусуситлари, қадриятларимиз, меҳр-оқибат, она-Ватанга садоқат, миллий ғурур, яхши қўшничилик, оила мустаҳкамлиги, халқ ҳашарлари, давлат бошқарувининг шаклланиши маҳалладан бошланади. Улуғ аждодларимиз Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар маҳаллада туғилиб, уларнинг тарбиясини олганлар. Шу боисдан ҳам улар бутун дунёга фан, илм-маърифатни, эзгулик нурларини тарқатишга асос солганлар.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ранси, Тошкент давлат аграр университетининг доценти, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг аъзоси Шукур ТЕМУРОВ билан суҳбатимиз ана шу аждодларимиз руҳи поклариии ёдга олишдан бошланди.

— Шукур ака, айни чоғда Сиз халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва уй қўмиталари билан ишлаш доимий комиссияси ранси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги маслаҳат кенгашининг аъзоси, Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидаги Абдулҳай Тожиев номли маҳалла қўмитаси ранси бўлиб ишлаяпсиз. Куни кеча республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раёсатининг биринчи мажлисини ўтказдингиз. Бу катта жамоатчилик ишларига рағбат уйғотган куч нимада деб биласиз?

— Бу энг аввало мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг маҳаллалар фаолиятига бениҳоят катта эътибор, маҳалла аҳлига чуқур ҳурмат ва ишонч билан қараётганликлари, маҳалланинг асл моҳиятига чуқур тушуниб етганликлари сабаб бўлди, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам Ислом Абдуғаниевичнинг халқ ўртасида обрў-эътибори жуда катта. Самарқанд шаҳрининг Даҳбеди маҳалласида туғилиб, тарбия топиб, вояга етган эл-юрт отахони маҳалла нималигини, унинг ҳаётини жуда яхши биладилар. У кишининг шу боисдан маҳаллалар фаолиятига катта эътибор бераётганликларини каттаю-кичик кўриб, чуқур ҳис этиб турибди. Президентимиз маҳаллаларга юксак ишонч билан қарамоқдалар. Ўйлайманки, республикамиз маҳаллаларининг аҳлари ҳам бу ишончни оқлашга бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.

«МАҲАЛЛА ИСТИҚБОЛИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ!» Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси ранси Ш. Темуров ва Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков ўзаро мулоқотда.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Мен буни фақат ўз номимдангина эмас, балки бутун республикамиз маҳалла фаоллари аҳли номидан, айтаяпман. Негаки, халқимизнинг Ислом Абдуғаниевичга бўлган юксак ҳурмат-эътибори ва ишончини Президентликка сайлов кезларида яққол кўрдик. Ҳали бошқа жойларда — миитақаларда ўз Президентига Ўзбекистондагичалик катта ишонч билдирилмаган. Ўрта Осиё тарихида ҳали бирон республика раҳбари Маккага бориб Каъбатуллоҳни тавоф этмаган, бундай улуғ шараф насиб қилмаган. Мадинада Пайғамбаримиз Марқатларини зиёрат қилиш ҳали унча-мунча одамга насиб этмаган. Худонинг уйига кириб икки ракат намоз ўқишни умр бўйи орзу қиладиганларнинг сони бору саноғи йўқ. Бунга фақат Худо-

(Давоми тўртинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

● Фарғонадан телефон орқали хабар берадилар:

Фарғона вилоят фаоллари-нинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоят ҳокими М. Исломов шу хусусда маъруза қилди. Маърузада ва нотиқларнинг сўзларида мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг ишлаб чиқилиши, унинг кенг миқёсда ўтаётган умумхалқ муҳокамаси вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам ниҳоятда муҳим ва тарихий воқеа эканлиги таъкидланди. Вилоят шаҳар ва қишлоқларида бўлиб ўтаётган лойиҳа муҳокамасига бағишланган йиғилишларда республика Президенти раислигидаги Конституциявий комиссия мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётини жадаллаштириш, Ватанимизни дунёдаги энг илғор демократик давлатлар қаторига олиб чиқиш кафолатини берувчи бош Қомус лойиҳасини яратишда астойдил ва сидқидил ният қилганлиги тан олинмоқда.

Мазкур масала бўйича йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлаб, ҳур Ўзбекистон тарихида биринчи марта қабул қилинаётган янги Конституциянинг аҳамияти, лойиҳа муҳокамаси жараёнида фуқаролардан, меҳнат жамоаларидан, жамоат ташкилотларидан тушган қимматли таклиф ва мулоҳазалар, тақдим этилган қўшимчалар хусусида батафсил тўхталди.

И. Ҳ. Жўрабеков Фарғона вилояти меҳнаткашларини пахта тайёрлаш йиллик режаси бажарилиши муносабати билан республика Президенти И. А. Каримов табригига сазовор бўлганликлари билан қутлади. Йиғилганларни республика ҳукумати номидан яна бир бор муборакбод этди.

Йиғилиш қатнашчилари мустақил Ўзбекистоннинг асосий қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаш билан бирга, унга қатор қўшимчалар киритишни таклиф қилдилар. Жумладан лойиҳанинг XIX боб 5-бўлимига қуйидаги: «Бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш давридаги қийинчиликларни мамлакатдаги мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий шароитни ҳисобга олиб ва республиканинг инқироздан тезроқ чиқиб кетишни таъминлаш, иқтисодиётни бошқаришни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти айни пайтда Вазирлар Маҳкамаси Раиси ҳисоблансин», деган қўшимчани киритишни таклиф қилдилар.

Вилоят фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умрзоқов, республика Конституциявий комиссияси аъзоси, Ўзбекистон Конституциявий суди раиси, академик Ш. З. Ўразаев, республика зиёлилари вакилларидан Ўзбекистон халқ депутати шоир Э. Воҳидов ва бошқалар иштирок этдилар.

Муҳаммад ЮСУФ,
Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

АСОСИЙ ҚОНУН— АСОСЛИ ҚОНУН

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аввалги лойиҳаси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирган эдик. Қарийб икки ой давом этган муҳокама мобайнида билдирилган таклифларни инобатга олиш асосида эълон қилинган ушбу ҳужжатнинг янги матни билан танишиш таассуроти аввалги фикрларимизга содиқ эканлигимизни яна бир бор таъкидлаган ҳолда айни шу масалага оид бир қатор мулоҳазаларни жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилишни тақозо этиб қолди...

Фикримизча «лойиҳанинг **12-моддаси** «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-маънавий ҳаёт сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик асосида ривожланади. Бирон-бир муайян ижтимоий-сиёсий таълимот ёки дин расмий равишда давлат мафкураси, деб эълон қилиниши мумкин эмас», деган тарзда берилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», дейиладиган бўлса, у ҳолда давлатимиз, умуман, ҳар қандай мафкурадан воз кечмоқчи бўлаётгандай бўлиб қолади. Ваҳолонки, мафкурадан ҳоли давлатнинг бўлиши асло мумкин эмас. Зеро, мустақил, инсонпарвар, демократик, маданий, замонавий жамият, ҳуқуқий давлат барпо этишга азму қарор қилишимизнинг ўзи ҳам мафкура эмасми? Бундан ташқари, сайловлар натижасида ҳокимият тепасига келадиган ҳар қандай сиёсий партия ёки партиялар ҳам ўз мафкураларига асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мақсадларини худди ана шу давлат идоралари орқали рўёбга чиқарадилар...

52-модданинг биринчи хат бошиси бизнингча қуйидаги таҳрирда берилгани маъқул: «Жамият ва фуқароларнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини ижтимоий мулкчиликнинг хилма-хил шакллари ташкил этади. Бозор ана шу иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим воситасидир». Зотан, таклиф этилган матнда бозор — иқтисодиётнинг мақсадига айланиб қолган.

Ҳозиргача бизда асоссиз равишда тан олинмай келинган хусусий мулк, бозор муносабатларига алоҳида эътибор берилиши тушунарли, албатта. Аммо, айни пайтда ижтимоий адолатга таянган, инсонпарвар, демократик жамиятнинг, ҳуқуқий давлатчиликнинг тагзаминини ташкил этувчи, пировард натижада ёлланма меҳнатни истисно этувчи мулкчилик шаклларига (жамоавий ва шахсий), ҳар бир ишлаб чиқарувчини мулк соҳибига айлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни берилажагини эътироф этмаслик, юмшоқ қилиб айтганда, бирмунча тушунарсиздир.

62-модда «Оила жамиятнинг муҳим бўғини, у жамият ва давлат муҳофазасидадир», деб берилмоғи лозим. Чунки, жамиятнинг асосий бўғинини оила эмас, балки мулкчиликнинг муайян тизимига асосланган ижтимоий ишлаб чиқариш ташкил этади.

Ўйлаймизки, лойиҳанинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси»га (бешинчи бўлимнинг XVIII бобига тегишли **77—87 моддалари**), «Ўзбекистон Республикаси Президенти»га (мазкур бўлимнинг XIX бобига тегишли **91-моддадаги** қисмлари ва **92—96 моддалари**), «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари»га (мазкур бўлимнинг XXI бобига тегишли **99—104-моддалари**) оид қисмлари бемалол алоҳида қонунлар зиммасига юкланиши мумкин. Шунда ихчам бўлган бўларди. Табиийки, бу ҳолда лойиҳанинг мазкур боблари тегишли маънавий ҳамда таҳририй ўзгартишларни амалга оширишни тақозо этади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси» (XX боб)ни оддийгина тарзда «Ўзбекистон ҳукумати», деб аталса ҳам бўлади. Унинг аниқ номи, ўрни, вазифалари ҳам алоҳида қонун билан белгиланиб қўйилиши мумкин.

Лойиҳанинг **90-моддасига** оид кўплаб фикрлар айтилди. Мен шунга яна битта қўшимча қилмоқчиман. Фикримизча, лойиҳанинг худди мана шу моддаси матни, мабодо, бутун жаҳон тажрибасига асосланган тақдирда ҳам (ваҳоланки, бундай эмас) ундан мутлақо воз кечиш керак. Зеро, масаланинг бундай қўйилишида на сиёсий, на мантиқий ҳеч қанақа юк йўқ.

Биз ҳамонки, демократик жамият томон одимлаётган эканмиз, демократия — юқоридан қилинадиган бир марҳамат эмаслигини яхшилаб тушуниб олишимиз лозим. Ў фақат сиёсий идоралар фаолияти билангина чегараланмайди, балки, авламбор, демократия жамиятнинг негизида ўзининг тегишли, ундан туб манфаатдор, ижтимоий истеъмолчилари (ташкилий жиҳатдан шаклланган халқ оммаси)га, иқтисодий тагзамини (мулк соҳиблари, бозор иқтисодиёти, фуқаролик жамияти)га эга бўлмоғи зарур. Бу ҳол, табиийки, жамиятнинг Асосий Қонунида ўзининг муайян ифодасини топмоғи талаб этилади. Худди мана шу омилгина Конституцияни бошқа қонунлар сарчашмасига, халқни эса Асосий Қонун сўзсиз бажарилишининг бош кафолатчисига айлантиради.

Албатта, Конституция энг, аввало, муҳим сиёсий, маънавий, миллий, тарихий, ҳуқуқий ҳужжатдир. Айни пайтда у, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос адабий асар ҳамдир. Бу эса уни шу жиҳатдан ҳам халқимиз даҳосига монанд бўлмиш муносиб юксакликка кўтаришимизга давъат этади.

А. ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши бўлим мудири, фалсафа фанлари доктори.

Шарофнома

1957 йилда Миср Президенти Жамол Абдул Носир Ўзбекистонга ташриф буюрган эди. Мен ўша вақтда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг чет эл бўлимида ишлардим. Миср раҳбари Тошкентга келиши муносабати билан редакция ҳам махсус тайёргарлик кўрган эди. Миср тарихи, иқтисодиёти ва маданиятига оид турли-туман мақолалар, фотосуратлар, ўзбек ва араб тилларида табрик сўзлари битилган клишелар тахт эди. Тўсатдан мени муҳаррир йўқлаб қолди. У Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Раиси Шароф Рашидов Миср Президентининг исмишарифи билан қизиқаётганини айтди. Гап шундаки, ўша пайтларда рус тилидаги барча газеталар, шунингдек Ўзбекистон матбуоти ҳам Жамол исмини Гамал деб ёзарди. Шароф Рашидович нима учун Жамол эмас, Гамал аталади, сабабини билинглар, дебдилар. Мен дарҳол билимдон шарқшунос олимлар, арабшунослар билан боғланиб Қоҳира диалектида Жамол исми Гамал дейилишини аниқладим. Шароф ака биз Президентни асл номи билан, яъни Жамол деб атаймиз ва ёзамиз, дебдилар. Шундан сўнг «Қизил Ўзбекистон» газетасида кетадиган барча материалларда Гамал Жамол билан алмаштирилди. Бироқ, саҳифа тайёр бўлганда юқорининг буйруғи билан Жамол ўрнига Гамал ёзиладиган бўлди. Саҳифани тайёрлаган ходимлар ҳамда навбатчилар бу воқеадан қаттиқ ранжидик. Чунки аввало газета кечикиб чиқди, иккинчидан ҳориб-толиққан ходимлар тонгга яқин тарқалдилар. Эртасига мен буйруқ берган раҳбар ким эканлигини суриштирдим. Наҳотки, Шароф Рашидович ўз фикридан қайтган бўлса, деган хаёлга бордим. Маълум бўлишича, собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўша вақтдаги биринчи секретари Миср Президентининг исми рус газеталарида қандай ёзилса, ўзбек матбуотида ҳам шундай ёзилсин, деган экан. Албатта, у кишидан хафа бўлиш жоиз эмас. Ўша даврдаги барча раҳбарлар, оддий фуқаро ҳам партия ва ҳукуматга, яъни «Қизил империя»га бўйсунарди, қуллуқ қиларди.

Ҳамма республикаларда, жумладан Ўзбекистонда «қизил империя»нинг учта қудратли таянчи мавжуд бўлган. Биринчиси, минтақаларда жойлашган ҳарбий округлар. Округ қўмондонлари барча республикаларда тўла ҳукмронлик қилардилар. Ҳарбий қўмондон маҳаллий раҳбарларни назар-писанд қилмас, улар билан ҳисоблашмасди. Бунга мисол тариқасида ўзим кўрган, гувоҳ бўлган бир воқеани айтай. Жамол Абдул Носирни Тошкентда кутиб олиш маросимида «Қизил Ўзбекистон» газетасининг махсус мухбири ҳам қатнашадиган бўлди. Мен махсус мухбир сифатида Президент самолёти қўнадиган майдонга боришга рухсат олдим. Илгари ҳеч қайси ўзбек газетаси ва ўзбек журналистига насиб бўлмаган бундай ҳуқуқ менга берилганлигидан ғоят мамнун ва мағрур эдим. Москвадан келган такаббур меҳмонлар, журналистлар ва давлат хавфсизлик органларининг ходимлари самолёт қўниш майдонида ҳозиру нозир бўлганлар. Жамол Носир самолёти самода кўринишидан чамаси 5—10 дақиқа илгари Туркистон ҳарбий округи қўмондони армия генерали Лучинский бир тўда генераллар билан пайдо бўлди. Улардан сўнг аэропортга Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Рашидов бошлик республика раҳбарлари келдилар. Шу пайт менинг нигоҳим ҳарбий қўмондонга тушди. У Шароф Рашидовични кўрган бўлсада ўзини кўрмасликка солиб, генераллар билан гап сотарди. Мен синчковлик билан Шароф акани ҳам, Лучинскийни ҳам кузатиб турдим. Зукко Шароф ака қўмондоннинг беодоблигини албатта сезди. Лекин, биринчи бўлиб Лучинскийга қўл узатдилар. Расман Ш. Рашидов давлат раҳбари сифатида қўмондондан юқори турарди. Шу боисдан ҳам қўмондонга эътибор бермасликлари мумкин эди. Бироқ Шароф ака юксак маданият ва ўзбекона одоб-ахлоқ соҳиби эканликларини бу одобсизга кўрсатиб қўйдилар.

Собиқ КПСС ва Совет давлатининг барча республикалардаги, жумладан Ўзбекистондаги қудратли қуроли ва таянчларидан яна бири Давлат хавфсизлик органлари эди. Ундан энг кичик маҳаллий раҳбардан тортиб Марказий Қўмитанинг биринчи секретари ҳам чўчирди. Бироқ раҳбар ходим сиёсий ва жиноий иш билан ноҳақ айбланса ҳам партия ва на ҳукумат раҳбари ўртага тушолмас эди.

«Қизил империя»нинг яна бир энг ишончли ва нуфузли таянчи республика Компартиялари Марказий Қўмиталарининг иккинчи котиби ҳисобланарди. У албатта рус миллатидан бўлиб, партия раҳбариятининг тақдири ва инон-ихтиёри унинг қўлида бўларди. Одатда бу лавозимга маҳаллий шарт-шароитни тушунмайдиган, республика экономикаси ва маданиятининг ўзига хос хусусиятларини билмаган, миллий урф-одатлар ва анъаналардан бехабар шахслар тайинланарди. Иккинчи котиб партия, давлат ва хўжалик ишларини билар-билмас ўзича бошқарарди. Айниқса, маҳаллий кадрларни танлашда, барча мансаб ва лавозимларга номзодлар кўрсатиш, раҳбар ходимларни лавозимидан бўшатишда унинг айтгани айтган, дегани деган эди. Иккинчи котиб Москванинг республикадаги кўз-қулоғи бўлиб, Ўзбекистон ҳаётида содир бўлаётган воқеалардан Марказни хабардор этар, айниқса маҳаллий раҳбарларнинг фаолияти хусусида Москвада чақимчилик қиларди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон раҳбарлари, ҳатто биринчи котиб ҳам ундан ҳайиқардилар. Шароф Рашидовичгача бўлган партия раҳбарлари иккинчи котибнинг хоҳиш-иродасига бўйсунишга мажбур бўлдилар. Ҳатто Шароф ака ҳам дастлабки йилларда унинг измидан бордилар албатта. Иккинчи котиб Ш. Рашидовни қўғирчоқ раҳбарга айлантиришга кўп уринди. Лекин Шароф Рашидович ўз ақл-идроки, заковати, катта ташкилотчилик қобилияти ила иккинчи секретарь ҳукмронлигини чеклаб қўйди. 70—80-йилларда Марказий Қўмитанинг иккинчи секретари бўлмиш рус оғамиз Шароф аканинг кўзига қараб турадиган бўлди. У биринчи секретарнинг буйруқ ва кўрсатмаларини дарҳол амалга оширувчи муте шахсга айланди. Москва ҳам иккинчи котибни танлаш ва тайинлашда Ш. Рашидовнинг ҳоҳиш ва розилигини олишга мажбур бўлиб қолди. Бу Шароф аканинг улуғ давлат арбоби сифатида қўлга киритган катта ютуғи эди.

Ш. Рашидов республикада ҳокими мутлақ бўлмиш Туркистон ҳарбий округи қўмондонининг ҳам попугини пасайтириб қўйди. Ҳарбий қўмондон Шароф акага «чест» берадиган, қуллуқ қиладиган бўлиб қолган эди. Сўнгги йилларда Марказ Шароф Рашидовичга маъқул бўлган генералларни ҳарбий қўмондонликка тайинлайдиган бўлди.

Ш. Рашидов «қизил империя»нинг мустамлакачилик сиёсатини қаттиққўллик ва репрессия билан амалга оширадиган давлат хавфсизлик органларини ҳам деярли жиловлаб олди. Илгари республика раҳбариятини назар-писанд қилмайдиган давлат хавфсизлик министрлиги (Қўмитаси) Шароф Рашидовичга ҳисобот берадиган, унинг кўрсатмаларини бажарадиган бўлиб қолди. Давлат хавфсизлик органларининг барча раҳбарларини тайинлашда ҳам биринчи секретарь билан ҳисоблашадиган бўлиб қолишди.

Республикада ҳукм сурган партия Марказий Қўмитасининг иккинчи секретари, округ ҳарбий қўмондонлигини ҳамда хавфсизлик органларини жиловлаб олиш осон эмас эди, албатта. Собиқ Иттифоқнинг собиқ республикалардаги бирорта раҳбари бунинг уддасидан чиққан эмас. Лекин Шароф Рашидов ўзининг ўткир ақл-заковати, битмас-туганмас кучғайрати, беқиёс миллатпарварлиги туфайли «Қизил империя»нинг қудратли таянчларини жиловлаб олди.

Ш. Рашидов атоқли партия ва давлат арбоби сифатида собиқ Иттифоқ раҳбарияти ўртасида катта обрў-эътибор қозонган эди. Уни Марказнинг катта-ю кичиклари ғоят ҳурмат қилар, ҳар қандай талаб ва илтимосларини бажо келтирар эдилар. Ҳатто бошқа республикаларнинг раҳбарлари ҳам Москва билан тил топиш ва иш битиришда Шароф аканинг обрўсидан фойдаланардилар.

Ш. Рашидовнинг миллат ва халқ олдидаги энг улуғ хизматларидан яна бири шуки, у етук инсон Ўзбекистонни бутун дунёга танитди, унинг халқаро обрўсини юксакликка кўтарди. Илгари чет элликлар у ёқда турсин, собиқ Иттифоқ халқлари ҳам Ўзбекистонни яхши билмасдилар. Улар тасаввурида, гўё ўзбек эли ҳамон қолоқ, маориф-маданияти ривож олмаган, халқи ночор аҳволда эди. Шароф ака ана шу салбий фикр ва тасаввурларни йўққа чиқарди. Аввало, у ўзбек халқининг қадимий бой тарихи ва маданиятини, ажойиб миллий анъаналари ва урф-одатларини қайтадан тиклади ва уларни бутун оламга кўз-кўз қилди. Иккинчидан Ш. Рашидов Ўзбекистоннинг собиқ Иттифоқ экономикасига қўшаётган жуда катта улушини ошкор этди. Ўзбекнинг миллий бойликлари бўлмиш олтину уран, пахта-ю ипак, жуну қорақўлнинг қадр-қимматини кўтарди. Шароф аканинг халқлар дўстлиги шиорини тарғиботашвиқ этиши ҳам бежиз эмас эди албатта. У шу йўл ила ўзбек диёрининг қадимий мавқеи ва нуфузини тиклашга, ўзбек халқининг шон-шуҳратини жумлайи жаҳонга тарқатишга ҳаракат қилди.

Ш. Рашидов туфайли Ўзбекистон бутун дунёда, айниқса хорижий Шарқ мамлакатларида катта обрў-ҳурматга сазовор бўлди. Хитой ва Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистон, Эрон ва Туркия, араб мамлакатлари ва Африка давлатлари билан Ўзбекистон ўртасида савдо-сотиқ ва маданий алоқалар ривожланди.

70—80-йилларда Ўзбекистон Шарқ машъали деган шиорнинг пайдо бўлишида рамзий маъно бор эди. Аввало, собиқ Иттифоқ билан хорижий Шарқ муносабатларининг ривожида Ўзбекистоннинг катта ҳиссаси бор эди. Иккинчидан, собиқ Совет давлати раҳбарияти Осиё ва Африкада совет таъсирини кучайтиришда Ўзбекистоннинг Шарқдаги мавқеидан ва шахсан Шароф Рашидовнинг обрў-эътиборидан усталик билан фойдаланарди. Осиё ва Африка мамлакатларининг турли-туман анжуманлари, йиғилишлари ва мажлисларининг Тошкентда бўлиши ҳам бежиз эмас эди. Бундай сиёсий-дипломатик ва маданий анжуманларни уюштириш, уларни ижобий якунлашда Шароф аканинг тенги йўқ эди. У зотнинг ҳар бир нутқи, маърузаси чуқур мантиқи ва мазмуни билан барчага ғоят маъқул ва манзур бўларди.

Осиё ва Африка давлатларининг машҳур раҳбарлари бўлмиш Жавоҳарлал Неру, Жамол Абдул Носир, Индира Ганди ва бошқа нуфузли арбоблар Шароф Рашидовни ғоят ҳурмат қилардилар, ардоқлар эдилар. Шунинг учун ҳам Марказ собиқ Совет Иттифоқи билан ҳорижий Шарқ давлатлари ўртасидаги нозик ва қалтис муаммоларни ҳал этиш вазифасини Шароф акага ишониб топширарди. Шароф Рашидович раҳбарлигидаги ҳукумат делегациялари бир неча марта Шарқ давлатларига сафар қилиб, марказ топшириқларини аъло бажарган. Албатта, Шароф ака партияга содиқ бўлгани учун ҳам партия ва ҳукумат буйруқлари ва режаларини сидқидилдан амалга оширган. Лекин у Ўзбекистоннинг, ўзбек миллатининг миллий манфаатларини ҳимоя қилган, қайси мамлакатга бормасин ҳамиша ўз она-Ватанининг обрў-мавқеини ошириш пайида бўлган.

Шароф Рашидович Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида гуллаб-яшнашини, Шарқнинг чинакам машъали бўлишини орзу қилган. Шароф аканинг мен эшитган мўътабар гаплари ҳамон ёдимдан чиқмайди. 1965 йилнинг май ойларида бўлса керак, мен маънавий отам бўлмиш аллома Ғафур Ғуломни кўргани шифохонага бордим. Ғафур ака анча тетик, бардам эдилар. Ярим соатча чақ-чақлашиб ўтирдик. Ёқлаяжак диссертациямга ўз қўллари билан тақриз ёзиб қўйган эканлар. Уни менга топширдилар. Мен ўзимда йўқ хурсанд эдим. Боз устига кетмай тур, ҳозир бу ерга Шароф ака келарканлар, сени у зот билан таништираман дея яна хушнуд қилдилар. Дарҳақиқат, бироздан сўнг хонага Шароф ака кириб келдилар. Икки улуғ инсон қучоқлашиб, самимий ҳол-аҳвол сўрашгач, Ғафур ака мени «катта ўғлим» деб Шароф акага таништирдилар. У яқинда диссертация ёқламоқчи, менга маслаҳатга келипти, дедилар. Шароф ака касби-коримни, диссертация мавзусини суриштирдилар. Мен Россия—Эрон алоқалари ҳамда А. Грибоедовнинг Эрондаги дипломатик фаолияти ҳақида диссертация ёзганимни ҳамда мавзунинг қисқача мазмунини айтиб бердим. «Укам яхши мавзу танлабсиз, бундай тадқиқотлар республикамиз учун ҳам фойдали Ҳали шундай даврлар келадики, сиз ёшлар Ватан тақдирини қўлга оласиз. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида хорижий Шарқ билан дипломатик алоқалар ўрнатади, ўз дипломатларимиз, элчиларимиз бўлади. Биз Ўзбекистонимизнинг қадимий шон-шуҳратини Ғарбу Шарқда албатта намоён этамиз» дедилар.

Шароф ака кетгач, мен Ғафур акадан ўсмоқчилаб, мустақил давлат деганда Шароф Рашидович қандай давлатни назарда тутяптилар, деб сўрадим. Ғафур ака шундай дедилар: «Улуғ инсонлардан улуғ гаплар чиқади, ўғлим»

Кейинчалик икки алломанинг сўзларини мушоҳада қилиб кўрсам, буюк инсонлар бир-бирларини яхши тушунар ва дилдаги армонлар, орзу-умидларини бир-бирларидан яширмас эканлар. Эндиликда Шароф аканинг ана шу мақсад-ниятлари ва орзу-умидлари рўёбга чиқди. Минг афсуски, ҳуррият ва мустақиллик замонини кўриш у зотга олийга насиб этмади. Инглизларда бир ибратли нақл бор: «Заиф, кичик миллатларгина ўз улуғларининг қадрига етмайдилар». Бир вақтлар ўзбеклар кўҳна Турон элининг буюк халқи эди. Афсуски, Советлар исканжасида биз заиф, кичик миллатга айланиб қолган, ўзлигимизни ва буюк фарзандларимизни унутган эдик. Шукрлар бўлсинким, мустақиллик туфайли ўзбек диёри ўз қадди-қоматини, қадр-қимматини, ўтмишдаги қадимий шон-шуҳратини тикламоқда. Замонага минг шукур!

Ф. АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими.

МУСТАҚИЛЛИК ИЛДИЗЛАРИ

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА:

Фатхулла Абдуллаев 1929 йилда туғилган. Шарқшунос олим. 1957 йилдан буён Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик илмгоҳида ишлайди. Хорижий Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий муаммоларига оид қатор илмий китоблар ва рисолалар муаллифи. Ф. Абдуллаев халқаро шарҳловчи журналист сифатида ҳам кўп йиллардан бери қалам тебратиб келади.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ. Булунғур районидаги Ленин номли давлат хўжалиги деҳқонлари мева-сабзавот маҳсулотлари йиғиштиришни муваффақиятли якунлашди. Ҳозир бу ердаги консерва заводида хом ашёни қайта ишлаш давом этмоқда. Шу кунгача корхона 15 минг тонна помидорни қабул қилиб олди. Эндиликда ундан қиш учун маҳсулотлар тайёрланяпти.

СУРАТДА: завод илғор ишчилари Дилбар Дўстматова ва Нурали Умаровлар.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

ҲАР ҚАДАМДА БИР ЯНГИЛИК

● Яхши яшаш учун нима қилиш керак! Ҳамма шу ҳақда ўйлаяпти, ижодий изланиб, янгилик қидиряпти.

Жалолқудуқ районини айланганимда менда ана шундай фикр туғилди. Район марказида автокорхона очилиб, эллик хил хизмат йўлга қўйилди.

Ёрқишлоқда нон заводи қурилди. Охунбобоев шаҳри, «Ойим» қишлоғи ва Т. Тошматов номли жамоа хўжалигида уруш қатнашчилари ва байналмилал жангчилар учун ёдгорлик комплекси ўрнатилди. «Ғалабанинг 30 йиллиги» жамоа хўжалигида пишлоқ тайёрлайдиган кичик корхона ишга туширилди. Бу билан хўжаликдаги кичик корхоналар сони 20 тадан ортди. «Қатортол» жамоа хўжалигида эса «Наврўз» маиший хизмат кўрсатиш комплекси фойдаланишга топширилди. «Бештол» жамоа хўжалигида уйда гилам тўқиш йўлга қўйилди.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

• Обуна–93 •

РАҒБАТ— СУРЪАТГА ҚАНОТ

Келаси йил учун обуна давом этаётган шу кунларда ҳар бир фуқаронинг матбуот нашрларига танлаб ёзилиши табиий. Бозор муносабатлари барчани ҳар тийиннинг қадрига етишга ундамоқда. Бироқ қанчалик қимматчилик бўлмасин газета ўқийман, республика янгиликларидан воқиф бўламан, деган киши имкониятини топиб обуна бўларкан.

Буни Навбаҳор районидаги «Янгиқўрғон» жамоа хўжалиги мисолида кўриш мумкин. Хўжаликда «Ўзбекистон овози», «Ишонч», «Халқ сўзи» сингари газеталарга, «Саодат», «Ёшлик» каби журналларга обуна бўлганлар сони мингдан ошиб кетди.

Келаси йил матбуот нашрлари учун ёзилиш ишларини хўжалик бошқаруви, ХДП бошланғич ташкилоти, касаба уюшмаси ўз зиммасига олган. Яқинда эллик нафар илғор теримчи хўжалик ҳамда касаба уюшмаси жамғармаси ҳисобидан обуна қилинди. Буни эл хирмонига 6—7 тоннадан пахта териб тўккан кўпмингкилограммчи теримчиларга рағбат, мукофот тарзида тушунмоқ керак.

— Йиғим-терим суръатининг ошиши кўп жиҳатдан теримчи ва механик-ҳайдовчиларнинг моддий, маънавий жиҳатдан рағбатлантирилишига ҳам боғлиқ, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Сирож Бекбўтаев. — Ҳозир биз 50 нафар пешқадам теримчини мукофот тарзида «Ўзбекистон овози»га бепул обуна қилдирган бўлсак, эрта-индин яна шунча механизаторнинг мазкур газетага ёзилишини таъминлаймиз.

Пахта харид нархи ошиб, жамғармамиз ҳисобидан теримчи-ю механик-ҳайдовчиларнинг қўли пул кўраётган ҳозирги кунларда қайси бир муштарий ихтиёрий обуна бўлмайди, дейсиз? «Янгиқўрғон»да бу иш ҳам яхши йўлга қўйилган. Масалан, ҳар куни 120—140 килограммдан ошириб пахта тераётган И. Рўзиева, Р. Қодирова, З. Хидирова, Ҳ. Нормаева, Ҳ. Турсунова каби чеварлар нафақат «Ўзбекистон овози»га, балки вилоят ва район газеталарига ҳам обуна бўлишди.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДУНЁ ОВОЗИ

ФАОЛЛАР БИЛАН МУЛОҚОТДА

● Жазоирдаги Социалистик пешқадам партияси декабрь ойида бўладиган иккинчи съездидан кейин ўзини-ўзи тарқатиб юборишга қарор қилди.

Партиянинг мувофиқлаштирувчиси Ҳошимий Шариф фаоллар билан мулоқотда сўзга чиқиб, шуни маълум қилди.

Социалистик пешқадам партияси 1936 йилда ташкил топган Жазоир Коммунистик партиясининг ҳуқуқий давомчиси эди. У 1966 йилда яширин суратда ташкил этилган ва фақат 33 йилдан сўнг кўп партиялилик тартибига йўл очилгач, расман тан олинган эди.

БОШ ВАЗИРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● Грузия Бош вазири Тенгиз Сигуа шундай баёнот берди:

Айни кунларда Францияда грузин валютаси босилмоқда. У «Лари» деб номланади. Бундай валюта 1993 йилга келиб муомалага чиқарилади.

ҲАРБИЙ РАҲБАРЛИКДА ЯНГИ ШАХС

● Грузия Республикасидан олинган яна бир хабарда эса қуйидагилар маълум қилинади.

Генерал-майор Лэри Абашидзе Грузия Республикасининг ҳарбий масалалар бўйича бош давлат маслаҳатчиси этиб тайинланди. У 56 ёшда. Совет Армияси сафларида 36 йил хизмат қилган.

МЕТРОДА ЮРИШ НАРҲИ ОШИРИЛДИ

● Москва шаҳар Кенгаши президиуми Москва ҳукумати томонидан метрода юриш ҳақини ошириш бўйича таклифини маъқуллади.

20 ноябрдан бошлаб бир марта фойдаланиладиган жетон 3 сўм туради. Ягона юриш билети эса 240 сўм бўлди.

НАМОЙИШЧИЛАР ҲИБСГА ОЛИНДИ

Покистон ҳукумати муҳолифотчиларнинг ҳукуматга қарши юриш уюштириш йўлидаги яна бир бор уринишини барбод қилди.

Исломободдан олинган хабарга кўра полиция чарм таёқ ва кўздан ёш оқизувчи газларни ишга солиб, Покистон халқ партиясининг 200 дан зиёд фаолларини тарқатиб юборди. Муҳолифотчи партиялар Пешоварда ва Белужистон вилоятининг Кветте шаҳрида намойишлар уюштиришга муваффақ бўлиша олмади. Бу ерларда хавфсизлик кучлари намойишга чиқмоқчи бўлганларни ҳибсга олди.

САРОЙДА ЕНҒИН

● Буюк Британия қироличаси Елизавета II нинг ёзги қароргоҳи — Виндзор саройининг кичик ибодатхоналаридан бирида кучли ёнғин бўлди.

Би-Би-Си телекомпаниясининг хабарига кўра, подшо оиласи аъзоларидан ҳеч ким шу кунларда саройда истиқомат қилмаган. Ёнғин чиқишининг сабаблари ҳозирча номаълум.

БИР ЎҚ БИЛАН ИККИ ҚУЁННИ...

● Германия Федератив Республикаси молия вазири Тео Вайгелнинг мамлакат шарқидаги турар-жойни хусусийлаштириш оид режасини бир ўқ билан икки қуённи уриш, деб таърифлаш мумкин.

Вазир бир томондан Шарқий немисларнинг бу соҳадаги ҳуқуқларини Ғарбий ватандошларининг имтиёзлари билан тенглаштирмоқчи бўлса, иккинчи томондан бирлашиш чоғида собиқ ГДР шаҳар хўжалиги чекига тушган 50 миллион маркалик қарзни хусусийлаштириш ҳисобидан қоплашни таклиф этмоқда.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларнинг хабарлари асосида тайёрланди).

„ОЙНАИ ЖАҲОН“ДА КЎРИНГ

25 НОЯБРЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Муножот». Фильм-концерт.
8.05 «Қадимги шўхликлар». Бадиий фильм.
9.20 Турк тили.
9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Телеойнома».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. ЭҲМ ва унинг ишлаш принципи. .
11.00 «Таллиндаги карнавал». Телефильм.
11.30 Ўқитувчилар, Сизлар учун. Информатика ўқитиш муаммолари.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Паҳмоқвой». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Қадрият».
19.50 «Қўшиқ рақса уланса». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида.
21.30 «Доиранинг довруғи». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Талъат Сайфуддинов.
22.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.50 «Шошилинч чақирув». Бадиий фильм.
00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 Спринт.
19.40 Рақслар, рақслар.
20.40 «Йирик планда».
21.40 «Ишбилармонлар».
22.20 «02» тўлқинида».
22.45 Регби бўйича Марказий Осиё чемпионати.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 23.55— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.50 Мультфильмлар: «Икки эртак», «Ҳамма гап шляпада».
11.20 «Рок-сабоқ».
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс
12.20 «Комик жазман ёки сэр Жон Фальстафнинг ишқий эрмаклари». Телевизион бадиий фильм.
13.35 «Бахтли қирғоқ». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.20 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.10 «Рок-сабоқ».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Штраус номли Вена камер оркестрининг концерти.
19.25 Мультфильмлар.
20.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. АСК (Ростов) — «Самотлор».
21.55 Футбол. УЕФА кубоги. 1/8 финал. «Динамо» (Москва) — «Бенфика» (Португалия). «Торпедо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».
24.00 Янгиликлар.
00.35 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. «Брюгге» (Бельгия) — МАСК. Бельгиядан олиб кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Ватаним менинг».
9.55 Параллеллар. «Юзма-юз».
10.10 «Қайтиш».
11.05 «Антреприза». В. Стржельчик А. Арбузовнинг «Эскирган комедия»сида.
11.50 Мульти-пульти.
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 103-серия.
12.50 Мульти-пульти.
13.05 «Бурда моден» таклиф этади...».
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.55 «Сигнал».
16.10 «Смирновлар оиласи. «Бундан буён қандай яшаш керак?». Телефильм (Австрия).
16.55 Янгиликлар.
17.10 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Монстр». Ҳужжатли телесериал премьераси (Россия —АҚШ). 5-фильм. — «Сталин ва уруш».
23.20 Парламент хабарномаси.
23.35 «Мен бошқа бундай мамлакатни билмайман». Жанубий Африка Республикаси.
24.00 «Сатирикон» студияси.
00.45 Бугун Россия Федерацияси Олий Кенгашида.

26 НОЯБРЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт.
7.55 «30 ёшга тўлганда». Бадиий фильм.
9.20 Араб тили.
9.50 «Нафосат оламида». Кинопрограмма.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. Органик олам эволюциясининг асосий йўналишлари.
11.00 Эркин кураш. Ўзбекистон чемпионати.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. Ўзбекистонда жадидлар ҳаракати.
12.00 Болалар учун. «Кичкинтой» студияси кўрсатади.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қоқигул». Мультфильм.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Чорвадор».
19.45 Мумтоз куйларидан концерт.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Икрома Болтаева.
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 «Аждаҳо ови». Бадиий фильм.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Иқтисодчилар мактаби».
19.40 Мусиқали дақиқалар.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.30 «Пульс». Хабарлар.
21.40 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 Футбол. Европа чемпионлари кубоги.
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс
12.20 «Иштиҳондан олдин». Телевизион бадиий фильм.
13.25 «Сайроқи қуш кимникига қўнди». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.20 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.10 Болалар телевиденеиси ассоциацияси. «Тўрт сеҳргар бешиги». Минск шаҳри.
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.00 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
19.30 Футбол. Европа чемпионлари кубоги.
20.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Якунловчи серия.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар..
21.20 «Бориб, қайтиб келмасдан...». Телевизион бадиий фильм премьераси («Беларусьфильм»).
22.35 «Қора қути».
23.05 Эфирда мусиқа. Танаффус пайтида (24.00) —Янгиликлар.
01.25 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. «Самотлор» — МГТУ.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Монстр». Ҳужжатли телесериал (Россия—АҚШ). 5-фильм — «Сталин ва уруш».
9.40 Ишдан бўш пайтингизда.
9.55 «Тилла шпора».
10.25 «Сатирикон» студияси.
11.10 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 104-серия.
12.00 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
12.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
12.50 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.55 «Бозорни ўрганамиз».
16.25 «Рост» студияси. «Мусиқий синф».
16.55 Янгиликлар.
17.10 Трансросэфир. «Москвадан олисда».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 «Ватаним менинг».
23.20 «Композиторнинг портрети». Г. Банщчиков.
23.50 «Джаз-филармоник-холл» (Швеция).
00.20 «К-2» таништиради: «Кетсанг кетавер». Бадиий фильм. «Кинограф», «Ню».

27 НОЯБРЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Севги тароналари». Фильм-концерт.
7.55 «Шошилинч чақирув». Бадиий фильм.
9.30 «Юлдуз» пахта навининг истиқболи».
10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун фильм. «Кичик йилқибоқар».
18.35 «Машинасозлик: муаммо ва изланишлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эркин кураш. Ўзбекистон чемпионати.
19.50 Санъат усталарининг концерти.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Малоҳаза». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳоразм вилояти театрининг режиссёри Ибодулла Ниёзматов.
22.10 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.40 «Хайрлашув арафасида». Бадиий фильм.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Оҳ, малика». Мультфильм.
18.15 «Байкем, Эжем жана биз».
18.30 «Ата журт» телеканали таништиради: «Тадбиркорни ким қўллаб-қувватлайди!» (рус тилида).
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Ата-журт» (давоми).
21.00 «Ала-Тоо».
21.20 «Назар» (эълон ва билдирувлар).
21.25 «Ата журт» (давоми). «Меҳр-шафқат — қалб даъвати».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Якунловчи серия.
9.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.25 «Ғалати одам». Капалаклар коллекционери ҳақида телефильм.
10.40 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.30 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради. «Леонардо ороллари».
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс
12.20 «Лев Гурич Синичкин». Телевизион бадиий фильм.
13.35 «Бизнинг дала ҳовлимиз». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.00 «Марказ».
17.40 «Шумак манбалари». Телефильм премьераси (Иркутск).
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Нормандия — Неман». Ярим асрлик хотира ва дўстлик.
18.50 «Инсон ва қонун».
19.20 «Вагон 03».
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Детективлар клуби»да. «Қадрдон дўст». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Линда» телесериалидан (Венгрия).
22.15 «Курессаре қалъаси». Илмий-оммабоп фильм.
«ВИД» таништиради:
22.35 «Сиёсий бюро».
23.05 «Музобоз».
23.45 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
00.35 «Авто-шоу».
00.55 «Хит-конвейер».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Ватаним менинг».
9.50 «Оқ қарга».
11.05 «Ўхшаш дунёлар».
11.50 Мульти-пульти.
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 105-серия.
12.50 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
13.05 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.55 Телебиржа.
15.25 «Рост» студияси. «Кенгуру».
15.55 Янгиликлар.
16.10 «Минора».
16.25 «М-трест».
16.40 Жума кунлари Уолт Дисней. «Жастиннинг иши». Бадиий фильм.
17.55 Эълонлар.

*

18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Спорт кўрсатуви.
19.55 «Монстр». Ҳужжатли телесериал премьераси (Россия—АҚШ). 6-фильм — «Сўнгги империя».
20.45 Концерт залида. «Қалб хотираси».
21.25 «Бозорни ўрганамиз».
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.

*

22.30—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

28 НОЯБРЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-серия.
9.25 Спорт кўрсатувлари: 1. «Шоҳруҳ» клуби. 2. Ўзбекистон спорти.
10.25 «Алифбо сабоқлари».
11.00 «Инсон саломатлиги ва атроф-муҳит».
11.40 Қорақалпоғистон жумҳуриятининг санъат усталари ва ёш ижрочиларининг концерти.
12.25 «Анъана ва замон». Халқ ҳунармандчилиги ҳақида.
13.15 Тижорат канали. «Чўл миришкорлари».
14.05 Азиз Несин. «Ҳажвий новеллалар». 1-қисм.
15.20 «Тиним билмас деҳқон қўллари».

* * *

18.00 «Нима бўпти» лақабли бетемот ҳақида». Мультфильм.
18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Дўстларимиз таронаси.
19.55 «Шоирлар — болаларга» Усмон Носир.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Марҳабо, талантлар!». Ўзбекистон Республикаси бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Тошкент вилояти.
22.30 «Ҳамроз». Бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон).
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

7.00—14.00

* * *

17.00—23.30

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.20, 21.20, 00.35 —Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Моторлар оламида».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга». «Менинг жажжи тойчоғим». Кўп серияли мультфильм премьераси. 1-серия.
9.25 «Эльдорадо».
9.55 «Шанба кунги дастхат».
10.25 «Иш».
10.35 Инсон институти.
11.05 «Авиакосмик салон».
11.20 «Услуб».
11.50 «Номаълум Осиё. Князь Шарқдан келадими!».
12.20 «Мусиқий дўкон».
12.50 Мусиқий видеофильм премьераси.
13.55 «Сиёсат» студияси иқтисодчи М. Фридман иштирокидаги АҚШнинг «Танлаш эркинлиги» кўрсатувини таҳлил қилади. 2-кўрсатув.
14.30 «Телеёдномалар». Мусиқий кўрсатув.
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Матбуот-экспресс».
15.35 «Камалак жилолари». «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари фестивалининг якунловчи кўрсатуви.
16.35 Европа рус маданияти марказининг очилиши.
16.45 «Қизил квадрат».
17.25 «Дракулино-вампирча». Кўп серияли мультфильм премьераси.
18.20 «Ижтимоий воқеалар ва муросаи-мадоралар ҳақида». Д. Хармс ҳикояси асосида мультпамфлет.
18.25 «Марианнани қўмсаб». Телефильм премьераси. Вероника Кастронинг Москвада бўлиши ҳақида. (Кинокўрсатувлар ҳамда «Интервидео коммерс» студияларининг биргаликдаги маҳсулоти).
19.15 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Биринчи қонгача». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Бахтли шаҳзода». Катталар учун мультфильм.
21.40 «Брэйн-ринг».
22.35 «Максима».
23.00 «Европа-плюс».
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Лев Гурич Синичкин». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ифодалаш санъати. «Нобуани Мураоканинг ойдин йўли».
8.50 «Эскулап».
9.00 «Дилкаш суҳбатлар». 2-кўрсатув.
9.30 «Агар сиз...».
10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали.
11.15 Кундузги сеанс. «Табибнинг шогирди».
12.40 «Доразмон». Мультфильм премьераси.

*

12.55—17.30
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

17.30 «Бола тилидан».
18.00 Хабарлар.
18.20 Эълонлар.
18.25 «Маски-шоу».

*

18.55—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 Тунги сеанс. «Профессор Доуэль васияти». Бадиий фильм.
00.05 «Овросиё» телевиденеиси таништиради: «Қотиллик вақти». Бадиий фильм (АҚШ).

29 НОЯБРЬ — ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 Турсунбой Парпиев куйлайди.
7.35 «Нукус». Телефильм.

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-серия.
9.50 Чим хоккейи бўйича Ўзбекистон кубоги. Аёллар.
10.20 «Экран зийнати». Кинокўрсатув.
12.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
13.10 «Иқтисодий ҳамкорлик йўлида».
13.40 Болалар учун. «Мўъжизалар маскани».
14.40 Тижорат канали. «Саноатимиз одимлари».
15.10 Азиз Несин. «Ҳажвий новеллалар». 2-қисм.

* * *

18.00 «Катта саёҳат», «Ёртиқулоқ ва ялқовлар». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Куй — дил малҳами». Мусиқий кўрсатув.
19.55 М. Зошченко. «Тўй». Телеповелла.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.00 «Хамроз». Бадиий фильм. 2-серия.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси намойиш этади. Программада: «Хуш хабарлар»; «Оспурум»; «Тиғиз пайт»; бадиий фильм; мультфильм.

* * *

18.05 «Бремен созандалари». Мультфильм.
18.25 Телетомошабинлар талабларига биноан концерт.
18.55 Катталар учун мультфильм.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 М. Карим. «Ой тутилган тунда». Қирғизистон Давлат академик драма театрининг спектакли.
21.45 «Канизак Изаура». Кўп серияли бадиий телефильм. 6-серия (рус тилида).

● «ОРБИТА IV»

6.20, 15.15, 18.40, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби.
6.25 «Руҳни чиниқтириш».
7.25 «Тилла оқу». Мультфильм.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спортлото» тиражи.
8.45 Жаҳон халқлари ижоди. «Тибетнинг одамлари ва худолари».
9.15 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг охирги». Кўп серияли мультфильм премьераси.
9.45 «Соло».
10.15 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». Дам олиш кўрсатуви.
10.45 «Ақлли болалар» ва «Ақлли қизлар» рукнининг премьераси.
11.25 «Пи» белгиси билан.
12.15 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли бадиий телефильм премьераси.
12.40 «Янги авлод танлайди». «КТВ-I» ҳамда «Франс-интернасионал» канали таништиради:
13.30 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.40 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

*

14.30 «Волхонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 7-фильм.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Саёҳатчилар клуби».
16.00 «Ҳунарли хор бўлмайди».
16.20 «Уолт Дисней таништиради...».
17.10 «Технодром».
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.00 «Актёрлар, актёрлар, актёрлар...».

Якшанба кинокўрсатувлари
20.00 Киношарҳ.
20.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Карнавал воқеаси». Бадиий фильм (АҚШ 1954 й.).

*

22.00 «Якунлар».
22.45 «Телелоция».
23.00 «Эндиликда». Диний кўрсатув.
24.00 Янгиликлар.
00.20 «Тонг юлдузи» тунги эфирда.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси ниқоби билан».
8.50 «Шажара». Ҳужжатли фильм премьераси.
9.40 Фольклор. «Номаълум маданиятлар».
10.10 «Олти сотих».
10.30 «Қироллиқдаги саргузашт». Кўғирчоқ мультфильм. 14-серия.

*

11.00—14.55
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

14.55 «Рост» студияси. «Гуф фи-Гейлз».
15.45 «Познер ва Донахью».
16.15 Стас Намин (Эс-Эн-Си) маркази таништиради: «Сариқ сувости немаси» клуби.

*

16.50—20.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 Спорт кўрсатуви.
20.25 Голливуд классик фильмлари фестивали.
22.00 Хабарлар.
22.25 Эълонлар.
22.30 «Ҳар бир кун байрам».
22.40 «Монстр». Кўп серияли ҳужжатли телесериал премьераси (Россия—АҚШ). 7-фильм — «Иосиф Сталиннинг шахсий ҳаёти».
23.35 Парламент хабарномаси.
23.50 Рақс марафони. Бал рақслари бўйича жаҳон чемпионати.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатмиз ҳафтаномасининг 20 ноябрь сонидан олинди.

ХИТОЙЛИК ТАБОБАТЧИЛАР—ТОШКЕНТДА

Республикамиз пойтахтидаги «Правда Востока» кўчаси, 6-уйда жойлашган «Саломатлик» марказида аҳоли соғлиғини муҳофаза этиш йўлида кўпгина хайрли ишлар амалга ошириляпти. Чунончи, Шарқ халқ табобати усули билан даволашга асосий эътибор берилаётир. Бунда марказнинг хорижий давлатлар, айниқса Хитой билан амалий ҳамкорлиги жуда кўл келмоқда. Ляо-Нин вилоятидаги Цзин Чжоу шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли компания билан эришилган битимга мувофиқ яқинда бир гуруҳ хитойлик шифокорлар: профессор Чен Ю Чун, Янг Тин И, тиббиёт фанлари номзодлари Ли Яу Хой, Сю Гуо Лиан, Ли Хунь Юанлар келишди. Улар Хитойда танлов орқали сараланган юксак малакали мутахассислардир.

Хитойлик табобатчилар томир уриши, кўз, қулоққа қараб, шунингдек тиббиёт электр аппарати орқали аввал ташқис кўйишади, сўнгра беморларни касалликларига қараб игна, кўл, нуқтавий уқалаш, куйдириш, қон чиқариш, тиббий банка қўйиш, фаол нуқталарга лазер таъсири ўтказиш усуллари билан даволайдилар.

Хитойлик табобатчилар 6 ой мобайнида беморларга тиббий ёрдам кўрсатадилар. Улар хизмати пуллик, лекин шаҳримиздаги пуллик тиббий хизмат кўрсатаётган муассасаларга қараганда арзон.

А. РУЗИЕВ.

КУЗГИ ДОН ЭКИЛЯПТИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Музрабод районидаги Раим Бўриев номли давлат хўжалиги ғаллакорлари кузги дон экишни қисқа муддатда якунлашди. Бу ерда 300 гектар майдонга тезпишар «Бахт» навли буғдой уруғи экилди.

Хўжаликда бундай серҳосил навли буғдой етиштиришда анчагина тажриба тўпланган. Масалан, ўтган йили гектаридан 35 центнердан дон олинди. Ғаллакорлар учун бу ҳали чегара эмас. Шу боис, бу ерда алмашлаб экишга алоҳида эътибор бериляпти. Ҳозирданоқ майдонларнинг бир қисмига жавдар экиляпти. Демак, келаси йили эрта баҳорда ҳам дон, ҳам чорва учун витаминли озуқа мўл бўлиши тайин.

СУРАТДА: агроучастка бошлиғи Боймурод Ўтаев ва механизаторлардан Абдуназар Кенжаев, Хушбек Эргашевлар экиш сифатини кўздан кечиришяпти.

И. ХУЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ШАТРАНЖ ОЛАМИДАГИ ГАПЛАР · МУТАСАДДИ FIDE МАМАЖОН МУҲИДДИНОВ

● Спорт

ШАХМАТ ТАНЛОВИНИНГ ДАВОМИ

7 ва 8-топшириқлар. Иккаласида ҳам оқлар бошлаб, уч юришда мот қилади. Тўғри жавоблар учун 3 тадан очко берилади.





КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ

● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЕЙДИ:

«ТАҚЧИЛЛИККА КИМ АЙБДОР?».

● «БОЛА ЎҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)

● «УРҒОЧИ ШАЙТОНЛАР» (СУД ОЧЕРКИ)

● «КАТТАЧИЛИК ҚУРСИН» (ФЕЛЬЕТОН).

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ, «СТРОЙЭКОНОМИКА» КИЧИК ДАВЛАТ КОРХОНАСИ, ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ВА БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТИ ЎЗКЕНГАШИ ШУ ЙИЛНИНГ 26-27 НОЯБРЬ КУНЛАРИ БУЮРТМАЧИЛАР, ПУДРАТЧИЛАР ВА ЛОЙИҲАЧИЛАР УЧУН "ҚУРИЛИШДА ШАРТНОМАВИЙ (эркин) НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ" МАВЗУИДА.

СЕМИНАР

ЎТКАЗАДИ.

Семинар ЎзЖшаҳарсозликИТЛИ институти мажлислар залида ўтказилади.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй (метронинг "Пахтакор" бекатигача борилади.).

Таклифномалар олиш учун Тошкентдаги: 41-41-53, 41-42-53 рақамли телефонларга қўнғирок қилинг.

Кўптармоқли «ЗУҲРА» КООПЕРАТИВИ Тошкентдаги омборидан чекланмаган миқдорда чўян радиатор, ҳар хил металл маҳсулотлари СОТАДИ

Айни вақтда буюртмачилар топшириғига қараб ҳар хил металл конструкциялар тайёрлаб беради.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзеси, 1-квартал, 33-а уй.

Алоқа телефонлари: 97-96-71, 97-64-88. Москвада: (095 208-16-77; 975-10-53.

Ўзбекистон касаба уюшмалари курортларини бошқариш республика кенгаши «Ниҳол» санаториясининг бош шифокори А. Деҳқоновга онаси Санобархон РАҲИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар «Тибашё» ишлаб чиқариш ва савдо маркази 14-«Оптика» магазини мудири Абдулла ЖУРАБОЕВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

ЎҒЛИМНИ ИЗЛАЙМАН

Ўғлим Асқар Нуруллаевич Раҳматуллаев шу йил 25 августида уйдан ишга кетганича қайтиб келмади. Шундан буён уни қидириб бормаган жойимиз, сўрамаган одамимиз қолмади. Асқар 1967 йилда туғилган. Миллати ўзбек, ўрта маълумотли, уйланган, икки боласи бор. Самарқанд вилоятининг Нарпай район «Улуғбек» жамоа хўжалигида Ултов қишлоғида истиқомат қилади. Каттақўрғон район тайёрлов идорасида тайёрловчи бўлиб ишлайди.

Ўғлим Асқарнинг белгилари: бўйи 170 сантиметр, тўладан келган, сочлари қора. Ўша куни ишга кетаётиб эгнига янги калта кўйлак, кул ранг шим кийиб олган, жигар ранг туфли оёғида бўлган. Ўғлимни кўрган, билганлар бўлса бизга хабар қилишларини сўрайман. Топиб берганларни катта мукофот кутади.

Н. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Самарқанд вилояти, Нарпай районн, «Улуғбек» жамоа хўжалиги, Ултов қишлоғи.

Маҳалла: кеча, бугун, эртага

ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

нинг марҳаматига, раҳматига сазовор бўлган бандаларгина муяссар бўладилар. Бутун республикамизнинг маҳалла аҳллари, оқсоқоллари бу билан ҳақли равишда фахрланадилар. Бу — мустақиллик шарофатидир!

Аниқ кўз олдимда: кўзларида ёш билан икки қўлларини кўтариб, биринчи навбатда халқимизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаровон турмуш тиладилар. Мустақиллигимизни абадий қилгин, бутун дунёда обрўли қилгин, халқим, Ватаним олдида юзимни ёруғ қилгин. Ватанимизда доимо тинчлик, фаровонлик, осуда ҳаёт барқарор бўлсин. Маъмурчиликни ўзинг ато қилгин, деб дуо қилдилар. Мен бунга тирик гувоҳман.

Худонинг уйига кирган одамларнинг орқасидан гапириш, шаънига ёқмайдиган сўз айтиш Худога шак келтириш билан баробар эканлигини уломою мўмин-мусулмонлар яхши биладилар. Мамлакатимизнинг бутун дунёда обрў-эътибори юксалиб бораётганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Буни кўрмаслик, қадрига етмаслик нонкўрлик билан баробардир. Чунки биз бу обрў-эътиборга ҳурматли Президентимиз олиб бораётган зукко ички ва ташқи сиёсат, ўз ҳалқига катта ғамхўрлик, барқарор тинчлик-осойишталик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик туфайли эришяпмиз. Ўрни келганда айтиб ўтай, Каъбатуллоҳ устига ёпилган каъбапўш ҳатто унча-мунча мусулмон давлатларига насиб этмаган. Президентимизнинг ҳурмати, халқимизнинг ҳурмати, она-Ватанимиз — Ўзбекистонимизнинг ҳурмати боисидан Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд уни халқимизга совға қилиб берди. У эса турли офат-балолардан ҳоли этаркан. Ў бор жойда ҳамиша тинчлик, осойишталик бўларкан. Илоҳим шундай бўлсин, иншооллоҳ. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ғғвогарларнинг жиловини тортишимиз, осуда ҳаёт қадрига етишимиз, Президентимиз олиб борган дадил, оқилона сиёсатни бир ёқадан бош чиқариб қўллаб қувватлашимиз, республика раҳбариятига қўлимиздан келганча ёрдам бериш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи керак. Зотан, тинчлик осойишталик бизнинг ҳамжиҳатлигимизга, аҳиллилигимизга, уқувимизга, донолигимизга ва ҳалол меҳнатимизга боғлиқдир. Қанчалик меҳр-оқибатли, ҳамжиҳат, аҳил бўлсак, Ўзбекистонимизнинг бу дунёнинг жаннатига айланишига шак-шубҳа йўқ. Агар Саудия Арабистони бутун дунё мусулмонларининг энг улуғ, биринчи зиёратгоҳи бўлса, келажакда Ўзбекистон иккинчи зиёратгоҳига айланишига ишончим комил. Чунки, бу заминда Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Аҳмад Яссавий каби авлиё-анбиёларнинг ҳоклари бор. Шунинг учун ҳам бизнинг Ватанимизни, халқимизни турли офату балолардан тангрининг ўзи асрайди. Шунинг учун Ватанимизда қутбарака, осудалик ва тинчлик ҳамиша барқарор. Шунинг учун ҳам Ватанимиз, халқимиз обрўси жаҳон кўз ўнгида тобора ошиб бораяпти.

— Маҳалла тарбиясини олган одам ҳеч қачон ўз элига хиёнат қилмаган. Унинг ўз ички қонунлари бор, albatta! Ҳозирги қийин иқтисодий шароитда маҳаллалар тўй маросимларни бир жону, бир тан бўлиб ўтказишга бош-қош бўляпти. Бу — маҳалланинг жамиятимизда тутган ўрни ғоятда мустаҳкамлигидан далолат. Сиз бошчилик қилаётган республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раёсатининг дастлабки мажлиси бўлиб ўтди. Унда асосан нималарга эътибор қаратилди?

— «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ташкил топиши энг аввало Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуслари, жуда катта саъй-ҳаракатларининг амалий ифодаси бўлди. Шу йил 25 январда Президент девонида Президентимиз Тошкент шаҳри маҳалла фаоллари билан бир пиёла чой устида суҳбат қурдилар. Бу суҳбат ниҳоятда самимий, қизғин ва таъсирчан ўтди. Дилдаги гаплар айтилди. Президентимиз нафақат Тошкент, балки бутун республикамиз маҳалла фаоллари ишларига юксак баҳо бериб, маҳаллаларнинг ижтимоий, иқтисодий ривожланишига катта аҳамият берилажагини айтдилар. У кишининг Фармонига биноан Республика маҳалла фаолларидан 60 киши мамлакатимизнинг энг олий мукофотларига сазовор бўлишди. Бу ҳали тарихда учрамаган воқеа эди. Мустақиллик тўйи арафасида Тошкент шаҳри маҳаллаларига у кишининг ташаббуслари билан 3 миллион сўмлик анжомлар — идиш-товоқлар совға тариқасида берилди. Маҳалла оқсоқоллари, улуғлари бунинг учун чин дилдан дуо қилдилар. Халқнинг дуосини олиш — улуғ иш. Дуо олган инсон ҳеч қачон кам бўлмаган.

Боя жуда дилдаги гапни айтдингиз. Ҳар бир маҳалланинг ўз ички қонунлари бор. Ҳақиқатан ҳам маҳалла тарбиясини олган одам ҳеч қачон ўз элига хиёнат қилмаган. Бундай маҳаллада ҳеч қачон ўғри, фоҳиша бўлмайди. Чунки маҳалланинг дашномидан қўрққан. Агар қаердаки шундай ҳол учрагудай бўлса у маҳалладан кўчиб кетган. Ҳа, халқимиз ориятли халқ. Маҳалланинг ички қонунлари бор, деяпмиз. Мана, қаранг, маҳаллада давлат арбоби ҳам, олим ҳам, фаррош ҳам тенг ҳуқуққа эга. У маҳалла кўрсатмасига риоя қилади. Агар унпан ажралса, элидан ажралади. Бошқа жойда қиладиган қилиғини маҳалласида қилолмайди. Маҳалла тўй-маросимларни ўта якдиллик, ғоюшқоқлик билан ўтказиб беради. Айтингчи, ҳозирги иқтисодий танглик даврида бирон халқда шундай аҳиллик — бир жону бир тан бўлиб инсон бошини силаш борми?

Шунинг учун ҳам республикамизда кейинги пайтларда маҳаллага маҳаллий ҳокимиятнинг энг ишончли қўйи бўғинлари сифатида катта ҳуқуқ берилди. У катта ташкилот сифатида биринчи марта тан олинди.

Ана шулардан келиб чиқиб «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раёсати энг аввало жамғарма Низоми рўйхатга ,олинганлиги бошқарув раёсати аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш, жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларини ташкил этишнинг бориши, бошқарув штатлари жадвалини тасдиқлаш, жамғарма ҳисобига пул тушумлари ва унинг эмблемасига оид масалаларни кўриб чиқдик. Шуниси қувончлиқи, жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларини ташкил этиш ишлари қизғин бошлаб юборилди. Маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга кўпроқ жалб этиш, бунинг учун ишлаб чиқариш шаҳобчаларини ташкил этиш, ёрдамга муҳтож аҳоли табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, миллий ва маънавий қадриятларимизни мустаҳкамлаш ва бошқа вазифалар диққат марказимизда турибди.

Маълумки, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Низомига асосан унинг пул маблағлари ва жамғарма таъсисчилари ва унинг аъзоларидан тушадиган пул маблағларидан, корхона ва ташкилотлардан тушадиган хайрия пулларидан, жамғарманинг тижорат фаолиятидан келган даромадлар ва бошқалардан иборат бўлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 8 октябрдаги Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида»ги Фармони маҳаллалар аҳли томонидан катта севинч билан кутиб олинди. Ана шу Фармонга кўра Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан 25 миллион сўм пул ўтказилди. Тошкент шаҳар ҳокимияти эса жамғармамизга 5 миллион сўм ва битта енгил автомашина совға қилди. Жамғармамиз ҳисобига унинг таъсисчиларидан — Тошкент чинни заводи 500 минг сўм, Тошкент асбобсозлик заводи 500 минг сўм, «Юлдуз» тикувчилик бирлашмаси 300 минг сўм, «Совпластитал» қўшма корхонаси 200 минг сўм, «Ташинтерм» қўшма корхонаси 500 минг сўм, Ҳамза райони ҳокимияти 500 минг сўм, «Средазгазпром» эса 1 миллион сўм, «Узглавлесхозснабсбит» 200 минг сўм, Шайҳантоҳўр район давлат солиқ инспекцияси эса 100 минг сўм, «Монолит» кичик корхонаси 500 минг сўм, Республика Давлат марказий банки эса 100 минг сўм пул ўтказишди. Ҳозиргача «Маҳалла» жамғармасига 50 га яқин ташкилот, муассаса ва корхоналар 10 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ ўтказдилар.

— Бутун республикамиз меҳнат жамоалари бу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлашларига имконимиз комил. Айтингчи, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ранси сифатида Сизни бугунги кунда қандай муаммолар ўйлантиряпти?

— «Ўзбексавдо» давлат акционерлик ассоциацияси томонидан «Гузар» деб номланган савдо марказлари лойиҳалари ишлаб чиқилган. Улар маҳаллаларда аҳолига энг қулай жойларда қурилиши керак. Маҳаллий ҳокимиятларнинг уларга қулай жойларни ажратиш ҳақидаги қарорлари қанчалик тез чиқса, нур устига аъло нур бўлур эди Иккинчидан, айрим монтаж бошқармалари (аҳолига бевосита манфаати кам тегадиган ташкилотлар) шаҳар ўртасидаги жойларни эгаллаб ётибди. Масалан «Тепломонтаж», «СМУ-2» ва ҳоказолар. Яна Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов районидаги Абдулҳай Тожиев маҳалласида аҳоли зич жойлашган ерда санитария-гигиена талабларига зид равишда ветеринария хизмати биноси жойлашган. Ҳолбуки унинг ёнида болалар кутубхонаси, мактаб бор. Уни шаҳар чеккасига жойлаштириш хусусидаги таклифлар қоғозда қолиб кетаяпти.

Йирик концернлар, ташкилотлар ва бошқаларнинг хайрия жамғармасига маблағ ажратиб ёрдам бераётганидан мамнунмиз. Аммо биронта вилоятдан республикамизнинг «Маҳалла» хайрия жамғармаси банки ҳисобига ҳали пул келиб тушгани йўқ. Айримлари имкониятидан жуда кам ажратяпти. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси жуда катта имконияти бўлишига қарамасдан бор-йўғи 50 минг сўм ажратган, холос. Маҳаллаларда айрим ҳокимиятлар томонидан кооперативлар, ҳар хил цехлар, ишлаб чиқариш шохобчалари маҳалла қўмиталарининг розилигисиз ташкил этиляпти. Бунга чек қўйиш зарур деб ўйлайман. Шунингдек, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, сартарошхоша, суратхона, кимёвий тозалаш, «Қора лола» тўйларга қизмат кўрсатадиган шохобчалар ҳаммаси «Маҳалла» жамғармаси ихтиёрига ўтказилса яхши бўлур эди. Ўйлаб кўринг, тўй ва маросимлар асосан маҳаллада ўтади. Агар ўша ташкилотлар бутун асбоб-анжомлари билан, ҳатто, ЗАГС идоралари ҳам бир жойда, яъни маҳаллада марказлаштирилса, бу уюшманинг халққа нафи кўпроқ тегар эди. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш вақти келди.

Хонаси келганда яна бир муаммони айтиб ўтай. Раёсат йиғилишида ҳам шу масала кўтарилди. Ҳозир нима кўп, масжидлар қурилиши ҳақида турганимизга қарамай, табиий газ, водопровод, канализация йўқлиги, қийғир-қийшиқ тор йўллар мавжудлигига тоқат қилиб бўлмайди. Уйларнинг аҳволи ҳақида-ку гапирмай қўяқолай. Шаҳар бош планлаштириш идораси бир неча марта бу уйлар бузилади, деб эълон қилиб келгани оқибатида аҳолининг ўз уйларини тузатишга қўллари бормади. Калонхона маҳалласи бузилади дейилганига роппа-роса 50 йил бўлди. Бу — совет тоталитар тузумининг таъсири, оқибати деб ўйлайман. Маҳаллаларга индивидуаль сектор сифатида паст назар билан қаралди. Иккинчидан эса маҳаллаларга эскилик сарқити макони деган мақом ёпиштирилди. Учинчидан, айниқса зилзиладан кейин янги уй-жойлар қурилганда маданий, маиший ва социал иншоотлар комплексини қуришга етарли жой ва маблағ ажратилмади. Ажратилган озми-кўпми маблағлар кўкка совурилиб юборилди, оқибатда маҳаллалар социал адолатсизлик қурбони бўлди. Шу сабабли ҳам «Эски шаҳар», «Янги шаҳар» ўртасидаги «девор»ни олиб ташлаш қийин кўчяпти. Қаранг, «Янги шаҳар» ҳар жиҳатдан мукаммал қилиб қурилган. «Эски шаҳар» эса бундай шароитлардан маҳрум бўлиб қолган. Ошкоралик туфайли унга эътибор кучайяпти. Халқ дилидаги армонларини бемалол изҳор этиш имконияти вужудга келди. Бугунги кунда ишонч билан шуни айта оламанки, Тошкент шаҳрида маҳаллалар ҳаракати ғалаба қозонди! Халқ ҳуқуқлари ҳимоя қилинди. Унинг фидойилари маҳалла қўмиталари, район маҳалла кенгашларини вужудга келтирдилар. Минг қатла шукурки, маҳаллаларга энди маҳаллий ҳокимиятларнинг ишончли бўғини сифатида қараляпти ва уларга катта ҳуқуқлар берилган. Аслида маҳалла ўзининг келиб чиқиши бўйича давлат тузуми (бошқарувига асос солган, аҳолининг ўзинии-ўзи бошқаруви олий намунаси бўлган. Бу нарса энди тан олинди. Шаҳар, республика, маҳалла қўмиталари Низомлари ишлаб чиқилди. Маҳалла фаолларидан илгарилари ҳеч ким раҳбарлик органларига, депутатликка сайланмаган эди. Энди сайланяпти. Тарихда доимий комиссия бўлмаган эди. Ҳозир улар асосан маҳаллаларнинг вакилларидан иборатдир. Бу хайрли иш аслида зилзиладан кейинроқ Шароф Рашидов ташаббуси билан маҳаллалар бутунлигини сақлаб қолиш ҳаракати билан бошланган эди. Масалан Акмал Икромов районидаги Бирлик, Октябрь даҳалари, Ҳамза районидаги Янгиобод даҳасида аҳолига уй-жой учун ер участкалари ажратилди. Хоҳламаганларга эса давлат уйлари берилди. Шу тариқа «Эски шаҳар» маҳаллалари ўз жойларида қолди, бу эса маҳалла жамоаларининг бўлиниб кетишидан сақлади.

1989 йилдан эътиборан Тошкент шаҳри раҳбарияти (А. И. Фозилбеков ва К. Расулов) саъй-ҳаракати билан шаҳарда маҳалла фаоллари ҳаракати бошланиб кетди.

— Шукур ака, энди бир шахсий саволимиз бор, кўнглингизга олмайсизми! Узингиз қайси маҳаллада воягга етгансиз? Ота-боболарингиз ҳам маҳалла ишларига бош-қош бўлишганми?

— Мен Собир Раҳимов районидаги Калонхона маҳалласида (уни улуғлар жойи ҳам дейишади) туғилиб катта бўлганман. Отадан мурғак ёшимдан етим қолганман. Бувам Абдураҳмон ота Баротов маҳалла оқсоқоли бўлган эканлар.

Маҳалламизда ҳунармандлар кўп эди. Косиблар, сандиқчилар, маҳсидўзлар, новвойлар, ҳамсапаслар билан ога-ини эдик. У ёғини сўрасангиз, сандиқчи, новвой, ошпаз, малакали шофёр ҳам бўлганман. Ёшлигимда тўйхашамларда ўтин ёриб, ёқиб, катта ошпазларга қарашар эдим. Ҳозир ҳам шу ҳунаримиз сақланиб қолган. Эҳтимол, халқ назар-эътиборига тушганимнинг сабаби шудир. Қолаверса, кейинчалик талабалик йилларимда, Тошкент қишлоқ хўжалик институтида ўқиган кезларимда (1955—60 йилларда) маҳалла ишларига фаол аралашар эдим. Кейин маҳалла қўмитасига аъзо қилишди. 1984 йилгача маҳалламиз Иқтисод деб аталарди. Ҳозир ўзимиз унга Абдулҳай Тожиев номини бердик. Илгарилари маҳалламизда меҳр-мурувват, катталарга ҳурматиззат, оқибат, кичикларга шафқат жуда кучли бўларди. Маҳаллаларда гузарлар, чойхоналар бор эди. Улар ҳақиқий маърифат ўчоғи ҳисобланарди. Зиёлилар келишиб газеталардан янгиликлар ўқиб беришарди. Ёшлар ўзбошимча эмасди. Улар маҳалла оқсоқоллардан ҳайиқишарди. Кимнинг ўғлисан, деб дарров дашном беришарди. Уруш қийинчиликлари ҳали-ҳали кўз ўнгимда. Заборнийга нон бериларди. Уни печканинг карнайига қўйиб пиширириб ердик. Шундай қилмасак, еб бўлмасди. Ўша қийинчилик кунларда ҳам маҳаллада меҳр-оқибат, яхши қўшничилик, кўнгил кўтаришлар, яхши анъана эди-да. Ота-оналар: «Халқ хизматини қилгин, ўлик-тиригига аралашгин, меҳнатдан бўйин товламагин, ўғирлик қилма, бировнинг ҳақини ема», деб яхши насиҳатлар қилишарди.

Ҳозир ҳам бу сўзлар ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Меҳр-мурувват ҳамиша халқимизнинг ажралмас хусусияти бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Жамғармамизнинг ташкил этилишидан ҳам асосий мақсад шу. Масалан, биз оилаларда меҳнатга лаёқатли кишиларни иш билан таъминлаш мақсадида, уйда ишлаш, уларни хомашё билан таъминлаш борасида фирма ва бўлимлар ташкил қилишга, қўшма корхоналар ташкил этишга эътиборни қаратмоқчимиз. Жамғарма қошида кичик корхоналар ассоциацияси ташкил этиш режамиз ҳам йўқ эмас. Бу тадбирлардан ташқари маҳаллаларни фақат ташқи жиҳатдангина эмас, балки уларнинг ички ҳаёти, турмушини қайта қуриш ҳақида ўйлашимиз керак. Бунда инсон тарбияси, маҳалла қўмиталарининг тарбиявий-маърифий йўналишидаги ишлари, хотин-қизлар қўмиталари ва комиссиялари фаолиятини тубдан яхшилаш ва бошқа тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

Сўзимнинг охирида шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим деб биламан.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг шаклланишида, жойларда ишларни ташкил этишда, уларни кенг тарғиб қилишда, қадриятларимизни, маънавиятимизни улуғлашда «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетаси яқиндан ёрдам беришига ишонамиз. Кейинги вақтда газетанинг халқчиллиги, мазмуни анча бойиганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ҳамкорликдаги ҳар қандай иш ўзининг ширин мевасини беради, албатта. Шу боисдан бундан кейин ҳам «Ўзбекистон овози» газетаси билан жуда яқин алоқада иш олиб бориш ниятимиз бор!

— Мароқли суҳбатингиз учун ташаккур, Шукур ака. «Маҳалла» хайрия жамғармаси ишларида омад ёр бўлсин!

Суҳбатдошлар
Эркин ҲУЖАЕВ,
Ҳамид ИКРОМОВ,
Ҳамид СУЛТОНОВ
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

- Ўйда ота-онанга суян, маҳаллада — дўстларингга.
- Булбул чаманни, одам ватанни севар.
- Кўпдан айрилган — озар, кўпга қўшилган — ўзар.

- Кўпга қўшилганнинг кўнгли тўқ.
- Бир болага етти қўшни ҳам ота, ҳам она.
- Элдан айрилгунча — жондан айрил.
- Кўп лўзим кўрса, карвон туясини суяр.
- Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар.

«МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент бўлимининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ранси Ш. Темуров, Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков, район ҳокимлари, район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашларининг раислари, маҳалла фаоллари, маҳаллалар иши билан шуғулланувчи ҳоким муовинлари, кичик корхоналар, муассасаларнинг раҳбарлари ва бошқалар қатнашдилар. Конференцияда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими тузилди.

СУРАТЛАРДА: конференция ишидан лавҳалар.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

- Маслаҳатли иш тарқалмас.
- Ватанинг тинч — сен тинч.
- Отанг ҳам маҳалла, онанг ҳам.
- Уйга сиғмаган элига сиғмас.
- Элинг омон бўлса — сен омон.
- Элдан айрилиб бўлмас.
- Кенгашли тўй тарқамас.
- Кенгашилган эл озмас.
- Кўпдан айрилганни бўри ер.
- Элда бори — сенда бори.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.
Навбатчи муҳаррир: А. РЎЗИЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00 Г—453. № 231. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.